

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2025 йил сентябрь ойининг 3 куни, жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси У.Шералиев, судья ёрдамчиси Ф.Бегалиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Балиқчи туман прокурорининг ёрдамчиси Р.Каримов, судланувчи Э.Исмоилов ва унинг ҳимоячиси Балиқчи тумани “SMART LAW ESCORT” адвокатлик бюроси адвокати А.Ўринов, судланувчи Ш.Қирғизов ва унинг ҳимоячиси “OBBOSOV LUTFULLO JALOLDINOVICH” адвокатлик бюроси адвокати Л.Оббосов, судланувчи С.Давлатова унинг ҳимоячиси “ADVOKAT I N DJURAYEV” адвокатлик бюроси адвокати И.Джураев, фуқаровий даъвогар И.Джураевнинг иштирокида, Исмоилов Элёрбек Зухритдинович, Қирғизов Шокиржон Мўминович ва Давлатова Саида Турсунпулатовналарга нисбатан тўпланган 1-1704-2501/140-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Исмоилов Элёрбек Зухритдинович (Ismoilov Elyorbek Zuxritdinovich), 1987 йил 23 июнда Балиқчи туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам: жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2021 йил 27 августдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “а, в, г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 1 (бир) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси ҳамда ҳар ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судининг 2022 йил 20 февралдаги ажрими билан ЖК 73-моддасига асосан жазодан шартли озод қилинган, Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган, Балиқчи тумани тумани, Нурафшон МФЙ, Ёш тадбиркорлар кўчаси, 155-уйда яшайди, 2025 йил 21 апрель куни гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, 2025 йил 11 апрель кунидан 2025 йил 12 апрель кунига қадар қамоқда сақланган. айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 28 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,г” бандлари, 209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбланган.

Қирғизов Шокиржон Мўминович (Qirg'izov Shokirjon Mo'minovich), 1976 йил 26 майда Балиқчи тумани туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам: жиноят ишлари бўйича



Балиқчи туман судининг 2023 йил 24 мартдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари, 209-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 45, 59,61-моддалари тартибида 1 (бир) йил муддатга давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаш шарти билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судининг 2024 йил 9 февралдаги ажрими билан ЖК 73-моддасига асосан жазодан шартли озод қилинган, Балиқчи тумани Доғистон МФЙ ҳоким ёрдамчиси вазифаси да ишлайди, Балиқчи тумани, Эски марказ МФЙ, Элга-ёр кўчаси, 41-уйда яшайди, 2025 йил 20 июнь куни гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 28 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,г” бандлари, 209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбланган.

Давлатова Саидахон Турсунпулатовна (Davlatova Saidaxon Tursunpulatovna), 1971 йил 16 февралда Балиқчи тумани туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам: жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судининг 2021 йил 24 июндаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисми «а» банди билан ЖКнинг 45-моддаси тартибида 1 (бир) йил мансабдорлик ва моддий-жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ундириш белгиланган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судининг 2022 йил 24 октябрдаги ажрими билан ЖК 73-моддасига асосан жазодан шартли озод қилинган, Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бош ҳисобчиси, Балиқчи тумани, Гўравон МФЙ, Ариқ ичи кўчаси, 23-уйда яшайди, 2025 йил 14 июнь куни муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 28 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,г” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбланган.

Суд, судланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларни кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга ҳолисона баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:



Судланувчи Э.Исмоилов Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, хавфли рецидивист бўлгани холда мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан 2022 йил 7 февралда корхона тугатилганлиги ва иш ўринлари қисқарганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинган фуқаро А.Комиловга “Бандлик хизмати” ахборот дастури орқали бандлик хизматлари кўрсатилмаган, мавжуд иш ўринлари таклиф этилмаган ва белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилмаган бўлса-да, гўёки уни ишсиз деб эътироф этилганлиги ҳақида тақдимнома расмийлаштириб, унга соҳта маълумотлар киритиб, хужжатларни қалбакилаштириб, уни пенсия жамғармаси Балиқчи туман бўлимига тақдим этиб, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунни 14-моддаси ва Адлия вазирлигида 17.01.1999 йилда 588-сон билан рўйхатдан ўтган “Алохида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатиш ҳодимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг 10-банди талабларига зид равишда муддатидан олдин пенсия тайинланишига эришиб, буни оқибатда фуқаро А.Комиловга 2022-2023 йилларда жами 40.854.119 сўм пенсия пуллари Қонун талабларига зид равишда тўлаб юборилиб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи Ш.Қирғизов Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан 2021-2022 йилда корхона тугатилганлиги ва иш ўринлари қисқарганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинган фуқаролар А.Матазимов, А.Хусанов ва М.Муродовани “Бандлик хизмати” ахборот дастури орқали бандлик хизматлари кўрсатилмаган, мавжуд иш ўринлари таклиф этилмаган ва белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилмаган бўлса-да, гўёки уларни ишсиз деб эътироф этилганлиги ҳақида тақдимнома расмийлаштириб, унга соҳта маълумотлар киритиб, уларни пенсия жамғармаси Балиқчи туман бўлимига тақдим этиб, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунни 14-моддаси ва Адлия вазирлигида 17.01.1999 йилда 588-сон билан рўйхатдан ўтган “Алохида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатиш ҳодимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг 10-банди талабларига зид равишда муддатидан олдин пенсия тайинланишига эришиб, буни оқибатда фуқаролар А.Матазимов, А.Хусанов ва М.Муродоваларга 2021-2022 йилларда жами 66.910.924 сўм пенсия пуллари нотўғри тўлаб юборилиб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи С.Давлатова Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 20 сентябрда 177-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисида Низомнинг 3.1 бандида моддий



рағбатлантириш махсус фонди маблағлари ходимлар иш хақиға устамалар ва мукофотлар беришга йўналтирилиши, 3.2 бандида ташаббускор ва ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажарган ходимларга лавозим окладининг 50 фоизигача бўлган миқдорда устамалар белгиланиши, кўрсатиб ўтилган устамалар рахбар ходимларга юқори турувчи ташкилот томонидан, бошқа ходимлар учун муассаса ёки ташкилот раҳбари томонидан белгиланиши кўрсатилган бўлсада, 2023-2024 йиллар давомида қайд этиб ўтилган Низомнинг 3.2 банди талабларига зид равишда рахбар ходимларга бўлим бошлиғи ва унинг ўринбосаларига моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағлари ҳисобидан устама белгилаш тўғрисидаги юқори турувчи ташкилот томонидан тегишли буйруқ қабул қилинмаган ҳолда жами 15.654,0 минг сўм устама пуллари ҳисобланиб, 2145,2 минг сўм мажбурий ушланмалар ушлангандан сўнг 13.508,8 минг сўм ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида” Низом талабларига зид равишда 3 нафар ходимларга 3.671,9 минг сўм тўлаб жами 17.180.700 сўм маблағлар тўлаб юбориб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи Э.Исмоилов судда, айбига қисман иқроп бўлиб, у 2012 йилдан буён бандлик тизимида турли лавозимларда, жумладан 2022 йил 17 май кунидан 2023 йил 28 мартга қадар Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаганлигини, Андижон вилоят Давлат молиявий назорати бошқармаси ходими томонидан Балиқчи туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1066-сонли Қарори ижроси юзасидан назорат тадбири ўтказилганлигини, ўтказилган текширишда жами 142.253,8 минг сўмлик сўмлик молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, жумладан бўлимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 18-октябрдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида” Низом талабларига риоя этилиши ўрганилганда Низомнинг 26-бандига зид равишда 2023-йил давомида 3 нафар ходимларга кўшимча вазифа юклатилиб, жами 4.420,6 минг сўм иш хақиға ортиқча кўшимчалар ҳисоблаб, 3.671,9 минг сўм тўлаб берилганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатни келиб чиқишига камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш Балиқчи тумани бўлим бош ҳисобчиси сабабчи ҳисобланишини,

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 20 сентябрда 177-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисида Низомнинг 3.1 бандида моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағлари ходимлар иш хақиға устамалар ва мукофотлар беришга йўналтирилиши, 3.2 бандида ташаббускор ва ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажарган ходимларга лавозим окладининг 50 фоизигача бўлган миқдорда устамалар белгиланиши, кўрсатиб ўтилган устамалар рахбар ходимларга юқори турувчи ташкилот томонидан, бошқа ходимлар учун



муассаса ёки ташкилот раҳбари томонидан белгиланиши кўрсатилганлигини, бўлим томонидан 2023 йил ва 2024 йил январ-июн ойлари давомида қайд этиб ўтилган Низомнинг 3.2 банди талабларига зид равишда ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағлари ҳисобидан устама белгилаш тўғрисидаги тегишли буйруқ қабул қилинмагани ҳолда жами 70.706.900 сўм устама пуллари ҳисобланиб, 9191,9 минг сўм мажбурий ушланмалар ушлангандан сўнг 61.515,0 минг сўм маблағлар тўлаб берилганлигини, бўлим томонидан Ўзбекистон Республикаси Аҳоли бандлиги тўғрисидаги Қонуннинг 45-моддасига зид равишда жами 24.167,7 минг сўм ишсизлик нафақалари тўлаб берилганлигини, жумладан, ўзини-ўз банд қилган 5 нафар фуқаролар учун 8.355,5 минг сўм, пенсия олувчи 2 нафар фуқарога жами 10.960,7 минг сўм, бола икки ёшга тўлгунига қадар тўланадиган ижтимоий нафақа олувчи 2 нафар фуқарога жами 4.851,5 минг сўм ишсизлик нафақалари тўлаб берилганлиги маълум бўлганлигини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги 799-сон қарорини 3-иловаси ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил илиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 7-бандига зид равишда 22 нафар фуқаролар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиниб, жамғарма маблағлари ҳисобидан 52.899,2 минг сўм маблағ асосиз тўланганлигини, жумладан, бўлим томонидан, турли йуналишларда ўзини-ўзи банд қилган 5 нафар жамоат ишларига жалб қилинган фуқароларга жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан 16.244,8 минг сўм; “Назаров текистил 777” МЧЖ томонидан жамоат ишларига жалб қилинмаган 13 нафар фуқаролар 25.500,0 минг сўм, “Хамкор Агро минерал” МЧЖ томонидан жамоат ишларига жалб қилинмаган 4 нафар фуқароларга 5.154,4 минг сўм, “Азимов текистил 777” МЧЖ томонидан жамоат ишларига жалб қилинмаган 2 нафар фуқаролар 6.000,0 минг сўм маблағлар асосиз тўлаб юборилганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, ўтказилган назорат тадбирида Балиқчи туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими томонидан 2021-2022 йилларда 6 нафар фуқароларга муддатидан олдин пенсия тайинланганлиги, тайинланган пенсияларни “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни ва қайд этиб ўтилган Йўриқнома талабларига мос равишда тайинланганлиги ўрганилганда, 6 нафар фуқароларга жами 137.387.630 сўм муддатидан олдин пенсия пуллари Йўриқнома талабларига зид равишда тўланганлиги маълум бўлганлигини, мазкур фуқароларни ўрнатилган тартибга зид равишда “Бандлик хизмати” ахборот дастурида бандлик хизматлари кўрсатилмагани, амалдаги тартибга кўра, ишсиз деб эътироф этилмагани ҳамда худуддаги мавжуд бўлган бўш ишчи ўринлари билан таништирилмагани ҳолда муддатидан олдин пенсия тайинланиши натижасида, фуқаро А.Комиловга 40.854.119 сўм (2022 йилда 11.444.070 сўм, 2023 йилда 20.731.772 сўм, 2024 йилда 8.678.277 сўм) муддатидан олдин пенсия пуллари Низом талабларига риоя этилмаган ҳолда тўлаб берилганлиги аниқланганлигини ушбу ҳолатда хатога йўл қўйганлигини, А.Комилов у раҳбар бўлгунига қадар яъни 28.02.2021 йилда иш қидирувчи бўлиб дастурга киритилганлигини, унга муқобил ишлар оғзаки тарзда таклиф этилгани, бироқ у рад этганлигини, муддатидан олдин пенсияга чиқиш бўйича парталга мунтазам ариза қилиб келганлигини, уни мақсади ишлаш эмас, пенсияга чиқиш бўлганлигини уни аризаларидан безор бўлиб унга тақдимнома қилиб



берганлигини, шунингдек, унга айбловда кўйилган 8 нафар фуқароларга 20.731.500 сўм ишсизлик нафақалари Қонун талабларига зид равишда тўлаб берилганлиги ҳолатига иқрор эмаслигини, чунки у мазкур фуқаролар ишга кирадиган бўлса бандлик бўлимга бу ҳақида хабар бериш мажбуриятини олишганлигини, фуқаролар ногиролигини айтишмаганлигини ва дастурдан ногиронлиги кўринмаганлигини, шунингдек фуқаролар бола пули олаётганлигини айтишмаганлиги ва бу ҳолат ҳам дастурдан кўринмаганлигини, фуқароларга ишсизлик нафақаси тайинлангандан сўнг нафақа олувчиларни ишга жойлашган ёки жойлашмаганлигини назорат қилиш мажбурияти йўқлигини, бу ҳолат бирон бир норматив ҳужжатда ҳам мавжуд эмаслигини, ҳозирда етказилган зарарлар қопланганлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ш.Қирғизов судда, айбига иқрор бўлиб, у 2021 йил 16 июлдан 2022 йил 11 январга қадар Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаганлигини, Андижон вилоят Давлат молиявий назорати бошқармасининг 15.08.2024 йилдаги 37-ХС сонли буйруғига асосан Балиқчи туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 1066-сонли Қарори ижроси юзасидан назорат тадбири ўтказилганлигини, ўтказилган текширишда Балиқчи туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими томонидан 2021-2022 йилларда 6 нафар фуқароларга муддатидан олдин пенсия тайинлангани, тайинланган пенсияларни “Аҳоли бандилиги тўғрисида”ги Қонуни ва қайд этиб ўтилган Йўриқнома талабларига мос равишда тайинланганлиги ўрганилганда, 6 нафар фуқароларга жами 137.387.630 сўм (2021 йилда 6.741 861 сўм, 2022 йил 86.968 768 сўм, 2023 йил 34.998.724 сўм, 2024 йилда 8.678 277 сўм) сўм муддатидан олдин пенсия пуллари Йўриқнома талабларига зид равишда тўланганлиги маълум бўлганлигини, мазкур фуқароларни ўрнатилган тартибга зид равишда “Бандлик хизмати” ахборот дастурида бандлик хизматлари кўрсатилмагани, амалдаги тартибга кўра, ишсиз деб эътироф этилмаган ҳамда ҳудуддаги мавжуд бўлган бўш ишчи ўринлари билан таништирилмагани ҳолда муддатидан олдин пенсия тайинланиши натижасида, фуқаро А.Матазимовга 29.293.073 сўм (2021 йилда 3.318.754 сўм, 2022 йил 23.200.805 сўм, 2023 йил 2.773 514 сўм); фуқаро А.Хусановга 18.130.756 сўм (2022 йил 10.421.858 сўм, 2023 йил 7.708.898 сўм), фуқаро С.Рахматиллаевга 13.200.347 сўм (2022 йилда 11.308.077 сўм, 2023 йилда 1.892.270 сўм), фуқаро Х.Мирзаахмедовга 16.442.240 сўм (2022 йилда 14.529 970 сўм, 2023 йилда 1.892.270 сўм) муддатидан олдин пенсия пуллари Низом талабларига риоя этилмаган ҳолда тўлаб берилганлиги аниқланганлигини, Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” ги Қонуннинг 14-моддасида Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар: аёллар-53 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда пенсия



олиш ҳуқуқига эга бўлиши кўрсатиб ўтилган бўлсада, Балиқчи туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан фуқаро М.Муродовага 53 ёшга тўлмасдан 2021 йил 11 майда ишсизлик мақоми берилиб, ёшга доир пенсия учун 29.10.2021 йилда тақдимнома киритилиши натижасида 29.10.2021 йилдан 11.10.2022 йилга қадар 19.487.095 сўм (2021 йилда 3.423.107 сўм, 2022 йил 16.063.988 сўм) муддатдан олдин пенсия пуллари Қонун талабларига риоя этилмаган ҳолда тўлаб берилганлиги аниқланганлигини, текширишда аниқланган ҳолатлар тўғрилигини, текшириш далолатномасига нисбатан эътирози йўқлигини, ҳозирда етказилган зарарлар қопланганлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи С.Давлатова судда, айбига қисман иқдор бўлиб, у 2017 йилдан буён Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келишини, хизмат вазифаларига бўлимда ишловчи ходимларига иш ҳаққи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаб, тўловга чиқариш ва бошқалар киришини, Андижон вилоят Давлат молиявий назорати бошқармаси томонидан Балиқчи туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1066-сонли Қарори ижроси юзасидан назорат тадбири ўтказилганлигини, ўтказилган текширишда жами 142.253,8 минг сўмлик молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, хусусан, бўлимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 18-октябрдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида” Низом талабларига риоя этилиши ўрганилганда Низомнинг 26-бандига зид равишда 2023-йил давомида 3 нафар ходимларига қўшимча вазифа юклатилиб, жами 4.420,6 минг сўм иш ҳақига ортиқча қўшимчалар ҳисоблаб, 3.671,9 минг сўм тўлаб берилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 20 сентябрда 177-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисида Низомнинг 3.1 бандида моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағлари ходимлар иш ҳақига усатмалар ва мукофотлар беришга йўналтирилиши, 3.2 бандида ташаббускор ва ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажарган ходимларга лавозим окладининг 50 фоизигача бўлган миқдорда устамалар белгиланиши, кўрсатиб ўтилган устамалар раҳбар ходимларга юқори турувчи ташкилот томонидан, бошқа ходимлар учун муассаса ёки ташкилот раҳбари томонидан белгиланиши кўрсатилганлиги, бироқ 2023 йил ва 2024 йил январ-июн ойлари давомида қайд этиб ўтилган Низомнинг 3.2 банди талабларига зид равишда ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағлари ҳисобидан устама белгилаш тўғрисидаги тегишли буйруқ қабул қилинмаган ҳолда жами 70706,9 минг сўм устама пуллари ҳисобланиб, 9191,9 минг сўм мажбурий ушланмалар ушлангандан сўнг 61.515,0 минг сўм маблағлар тўлаб берилганлигини, у.ушбу устама пулларини сметада ажратилган маблағларни жамоа шартномаси ва йиғилиш баёнига асосан тўловга чиқарганлигини, аммо ҳақиқатдан ҳам бўлим бошлиғи ва ўринбосарларига юқори турувчи ташкилот буйруғисиз 2023-2024



йилларда 13.508.800 сўм устама пуллари нотўғри ҳисоблаб юборганлигини, устама пуллари ходимларнинг пластик картасига туширилганлигини, ҳозирда етказилган зарарлар қопланганлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар И.Джураев судда, у Балиқчи туман иқтисодиёт ва молия бўлимида бош мутахассис лавозимида ишлаб келишини, хизмат вазифаларига бўлимга ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини мақсадли сарфланишини, назорат қилиш ва бошқалар киришлигини, Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилганлигини, ушбу жиноят ишида фуқаровий даъвогар бўлиб иштирок этганлигини, текширишда Э.Исмоилов Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган Э.Исмоилов томонидан 40.854.119 сўм, Ш.Қирғизов томонидан 66.910.924 сўм, бўлим ҳисобчиси С.Давлатова томонидан 65.186,9 минг сўм камомадга йўл қўйганлиги аниқланганлигини, ҳозирда етказилган камомад суммалари депозит ҳисоб-рақамга тўланганлигини, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилди.

Гувоҳ М.Қўчқаров судда, у Давлат молиявий назорат инспекцияси Андижон вилояти бошқармасида тафтишчиси лавозимида 2010 йил октябрь ойидан буён ишлаб келишини, хизмат вазифаларига давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан ажратилган пул маблағларни мақсадли сарфланиши юзасидан ўрганишлар, текширишлар ўтказиш ва уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташикилотларга тақдим қилиш ва бошқалар киришини, у Андижон вилояти прокуратурасининг 2024 йил 30 июлдаги 10.2\64-24-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида Андижон вилоят Давлат молиявий назорати бошқармасининг 2024 йил 15 августдаги 37-ХС сонли буйруғига асосан Балиқчи туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1066-сонли Қарори ижроси юзасидан назорат тадбири ўтказганлигини, ўтказилган текширишда жами 142.253.800 сўмлик молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқлангани, бўлимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 18 октябрдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида” Низом талбларига риоя этилиши ўрганилганда Низомнинг 26-бандига зид равишда 2023-йил давомида 3 нафар ходимларига қўшимча вазифа юклатилиб, жами 4.420.600 сўм иш ҳақига ортиқча қўшимчалар ҳисоблаб, 3.671.900 сўм тўлаб берилганлиги аниқлангани, ушбу ҳолатни келиб чиқишига камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш Балиқчи тумани бўлим бош ҳисобчиси сабабчи ҳисобланишини, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 20 сентябрда 177-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисида Низомнинг 3.1 бандида моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағлари ходимлар иш ҳақига усатмалар ва мукофотлар беришга йўналтирилиши, 3.2 бандида ташаббускор ва ўз хизмат вазифаларини



сидкидилдан бажарган ходимларга лавозим окладининг 50 фоизигача бўлган миқдорда устамалар белгиланиши, кўрсатиб ўтилган устамалар рахбар ходимларга юқори турувчи ташкилот томонидан, бошқа ходимлар учун муассаса ёки ташкилот рахбари томонидан белгиланиши кўрсатилгани, Бўлим томонидан 2023 йил ва 2024 йил январ-июн ойлари давомида қайд этиб ўтилган Низомнинг 3.2 банди талабларига зид равишда ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағлари ҳисобидан устама белгилаш тўғрисидаги тегишли буйруқ қабул қилинмагани ҳолда жами 70.706.900 сўм устама пуллари ҳисобланиб, 9.191.900 сўм мажбурий ушланмалар ушлангандан сўнг 61.515.000 сўм маблағлар тўлаб берилгани, ушбу ҳолатни келиб чиқишига ҳам камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш Балиқчи тумани бўлим бош ҳисобчиси сабабчи ҳисобланишини, бўлим томонидан Ўзбекистон Республикаси Аҳоли бандлиги тўғрисидаги Қонуннинг 45-моддасига зид равишда жами 24.167.7. сўм ишсизлик нафақалари тўлаб берилганлиги маълум бўлгани, ўзини-ўз банд қилган 5 нафар фуқаролар учун 8.355.500 сўм, пенсия олувчи 2 нафар фуқарога жами 10.960.700 сўм, бола икки ёшга тўлгунига қадар тўланадиган ижтимоий нафақа олувчи 2 нафар фуқарога жами 4.851.500 сўм ишсизлик нафақалари тўлаб берилганлиги маълум бўлгани, ушбу ҳолатни келиб чиқишига камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш Балиқчи тумани бўлим рахбари сабабчи ҳисобланишини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги 799-сон қарорини 3-илоvasи Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 7-бандида зид равишда 22 нафар фуқаролар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиниб, жамғарма маблағлари ҳисобидан 52.899.200 сўм маблағ асосиз тўлангани, бўлим томонидан, турли йуналишларда ўзини-узи банд қилган 5 нафар жамоат ишларига жалб қилинган фуқароларга жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан 16.244.800 сўм; “Назаров текистил 777” МЧЖ томонидан жамоат ишларига жалб қилинмаган 13 нафар фуқаролар 25.500.000 сўм, “Хамкор Агро минерал” МЧЖ томонидан жамоат ишларига жалб қилинмаган 4 нафар фуқароларга 5.154.400 сўм, “Азимов текистил 777” МЧЖ томонидан жамоат ишларига жалб қилинмаган 2 нафар фуқароларга 6.000.000 сўм маблағлар асосиз тўлаб юборилганлиги аниқлангани, бундан ташқари, ўтказилган назорат тадбирида Балиқчи туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими томонидан 2021-2022 йилларда 6 нафар фуқароларга муддатидан олдин пенсия тайинлангани, тайинланган пенсияларни “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни ва қайд этиб ўтилган Йўриқнома талабларига мос равишда тайинланганлиги ўрганилганда, 6 нафар фуқароларга жами 137.387.630 сўм 2021 йилда 6.741 861 сўм, 2022 йил 86.968 768 сўм, 2023 йил 34.998.724 сўм, 2024 йилда 8.678 277 сўм сўм муддатидан олдин пенсия пуллари Йўриқнома талабларига зид равишда тўланганлиги маълум бўлгани, мазкур фуқароларни ўрнатилган тартибга зид равишда “Бандлик хизмати” ахборот дастурида бандлик хизматлари кўрсатилмагани, амалдаги тартибга кўра, ишсиз деб эътироф этилмаган ҳамда худуддаги мавжуд бўлган бўш ишчи ўринлари билан таништирилмаган ҳолда муддатидан олдин пенсия тайинланиши натижасида, фуқаро А.Матазимовга 29.293.073 сўм 2021 йилда 3.318.754 сўм, 2022 йил 23.200.805 сўм, 2023 йил 2.773 514 сўм, фуқаро А.Хусановга 18.130.756 сўм



2022 йил 10.421.858 сўм, 2023 йил 7.708.898 сўм, фуқаро С.Рахматиллаевга 13.200.347 сўм 2022 йилда 11.308.077 сўм, 2023 йилда 1.892.270 сўм, фуқаро Х.Мирзаахмедовга 16.442.240 сўм 2022 йилда 14.529 970 сўм, 2023 йилда 1.892.270 сўм, фуқаро А.Комиловга 40.854.119 сўм 2022 йилда 11.444.070 сўм, 2023 йилда 20.731.772 сўм, 2024 йилда 8.678.277 сўм, муддатидан олдин пенсия пуллари Низом талабларига риоя этилмаган ҳолда тўлаб берилганлиги аниқлангани, ушбу ҳолатни келиб чиқишига камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш Балиқчи тумани бўлим раҳбари сабабчи ҳисобланишини, Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” ги Қонуннинг 14-моддасида Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилгани ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар: аёллар 53 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши кўрсатиб ўтилган бўлинсада, Балиқчи туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан фуқаро М.Муродовага 53 ёшга тўлмасдан 2021 йил 11 майда ишсизлик мақоми берилиб, ёшга доир пенсия учун 2021 йил 29 октябрда тақдимнома киритилиши натижасида 2021 йил 29 октябрдан 11.10.2022 йилга қадар 19.487.095 сўм 2021 йилда 3.423.107 сўм, 2022 йил 16.063.988 сўм муддатдан олдин пенсия пуллари Қонун талабларига риоя этилмаган ҳолда тўлаб берилгани, ушбу ҳолатни келиб чиқишига камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш Балиқчи тумани бўлим раҳбари сабабчи ҳисобланишини, бундан ташқари, Пенсия жамғармаси туман бўлими томонидан 2 та ҳолатда 4.006.036 сўм пенсия пуллари ортиқча ҳисобланиб, тўланганлиги аниқлангани, Балиқчи тумани Жасорат МФЙда яшовчи фуқаро Худойбердиев Абдилмухтор Ахмедовичнинг фуқароларнинг иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларида дастлабки ҳисобланган иш ҳақлари қайта ўрганилганда фарқ аниқланиши натижасида 2022 йил 30 декабрдан 2024 йил 30 сентябрга қадар 2.874.159 сўм; шунингдек Балиқчи тумани Жасорат МФЙда яшовчи фуқаро Маматқулов Джаборали Сотиволдиевичнинг фуқароларнинг иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларида дастлабки ҳисобланган иш ҳақлари қайта ўрганилганда фарқ аниқланиши натижасида 2023 йил 21 мартдан 2024 йил 30 сентябрга қадар 1.131.877 сўм миқдорида ортиқча тўланганлиги аниқлангани, ушбу ҳолатни келиб чиқишига Пенсия жамғармаси Балиқчи туман бўлими раҳбари сабабчи ҳисобланишини, ишсизлик нафақаси тайинланганидан сўнг, нафақа олувчиларни ишга жойлашган ёки жойлашмаганлигини мониторинг қилиш ёки назорат қилиш мажбурияти бирор бир норматив ҳужжат билан камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимига юклатилмаганлигини, ушбу мажбурият фуқароларга юклатилганлигини, С.Давлатовага қўйилган 65.186.900 сўмлик айблов бўйича С.Давлатова бўлим ходимларига 48.006.200 сўмлик устама пуллари ни сметада кўрсатилган суммадан келиб чиқиб тўғри ҳисоб китоб қилганлигини ва бу ҳолатда С.Давлатовани хатоси мавжуд эмаслигини, бироқ у томонидан бўлим бошлиғи ва ўринбосарларига юқори турувчи ташкилот буйруғисиз 2023-2024 йилларда 13.508.800 сўм устама пуллари нотўғри ҳисобланганлигини ва



3 нафар ходимга 3.671.900 сўм иш ҳақи ортиқча ҳисобланиб, жами 17.180.700 сўмлик бюджет маблағлари нотўғри тўланганлигини, томонидан устама пуллари тўғри берилганлиги бироқ, ушбу устама пуллари учун буйруқ расмийлаштирилмаганлигини баён қилди.

Гувоҳ А.Хусанов судда, у 2008 йилдан 2021 йил 8 ноябрь ойига қадар Андижон вилояти қишлоқ хўжалик кимё АЖ Балиқчи туман бўлимида тракторчи бўлиб ишлаб келгани, 2021 йилнинг баҳор ойларида ташкилот тугатилаётганлиги ҳақида огоҳлантириш келгани, кейин вилоят ташкилоти кадрлар бўлими бошлиғи ташкилот тугатилганидан сўнг бандлик бўлимига учраши ҳақида айтганлигини, кейин у туман бандлик бўлимига мурожаат қилгани, бир неча кундан кейин унга бандлик бўлиmidан пенсия жамғармасига муддатидан олдин пенсияга чиқиш ҳақида йўлланма беришганлигини, бандлик бўлими ходимлари томонидан унга иш таклиф қилинмаганлигини, уни ишсиз деб эътироф этилгани ёки эътилмаганлини билмаслигини, у муддатидан олдин пенсияга чиқариш масаласида ҳеч кимга пул ёки бошқа моддий қимматликлар бермагани, бандлик бўлиmidан йўлланма олганидан сўнг туман пенсия бўлимига мурожаат қилгани, иш ўринлари қисқартирилганлиги сабабли 2 йил олдин пенсияга чиқиш мумкинлигини айтишганлиги сабабли йўлланма олиб, пенсия бўлимига мурожаат қилганлигини, бандлик бўлими томонидан қисқартирилганлиги сабабли ишсиз қолган фуқароларга иш таклиф қилиш, уни ишсиз деб эътироф этиш кераклигини у билмагани, у шу вақтга қадар тайинланган пенсияларни тўлиқ ўзи олиб, фойдаланиб келганилигини, ўша вақтда унга тўғри келадиган иш ўрни чиқмаганлигини, чиқарилган нафақа пуллари тўлиқ олганлигини баён қилди.

Суд мажлисида гувоҳ М.Муродова, А.Матазимов, Х.Мирзаахмедовлар гувоҳ А.Хусановни кўрсатувига ўхшаш кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Комилов судда, у 2018 йилдан 2022 йил 7 февралга қадарли Балиқчи туман Тулкабод МФЙ раиси ўринбосари лавозимида ишлаб келганлигини, иш жойида шататлар қисқартирилгани сабабли, ишдан бўшаганлигини, шу сабабли ёшга доир пенсия олиш мақсадида Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимига нафақа олиш масаласида мурожаат қилганлигини, ушбу бўлим дастурида иш қидирувчи сифатида турганлигини, лекин унга бўлим томонидан иш таклиф қилинмаганлигини, бироқ ўзининг маҳалла фуқаролари йиғини томонидан ижтимоий ҳодимликка тавсия қилингани, лекин унга бу иш тўғри келмаслигини айтиб, ишлашдан бош тортгани, шундан сўнг Балиқчи тумани давлат хизматлари марказига борганлигини, у ердаги ходимлар унга ёшга доир нафақага ёзма равишда ариза билан мурожаат қилиб кўришлигини айтишгани, шундан сўнг у ёзма ариза билан Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимига мурожаат қилганлигини, сўнг унга нисбатан нафақа тайинланганлигини, Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими раҳбари Э.Исмоилов унга иш таклиф қилмаганлигини баён қилди.

Юқоридагилардан ташқари, судланувчи Э.Исмоилов, Ш.Қирғизов ва С.Давлатоваларнинг жиноят содир қилганликдаги айби, уларнинг дастлабки тергов ва суд мажлисидаги айбига иқроп бўлиб берган кўрсатувлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, текшириш далолатномалари ва унга илова



хужжатлар, Андижон вилояти давлат молиявий назорат бошқармасининг 27.09.2024 йилдаги Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш бўлимида ўтказилган ўрганиш далолатномаси ва унга иловалар, Андижон вилояти давлат молиявий назорат бошқармасининг 29.09.2024 йилдаги Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш бўлимида ўтказилган ўрганиш далолатномаси ва унга иловалар, Андижон вилояти камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш бошқармасининг 27.09.2024 йилдаги Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш бўлимида ўтказилган ўрганиш маълумотномаси ва унга иловалар, Камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш вазирлигининг 29.08.2024 йилдаги Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш бўлимида ўтказилган ўрганиш маълумотномаси ва унга иловалар ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этиш ҳақида қарор, тушунтириш хатлар ҳамда ишда тўпланган бошқа мақбул ва ишончли далиллар мажмуи билан исботланган.

Суд, судланувчи Э.Исмоилов, Ш.Қирғизов ва С.Давлатоваларнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Э.Исмоиловнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,г” бандлари, 209-моддасининг 1-қисми билан, судланувчи Ш.Қирғизовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “г” банди, 209-моддасининг 1-қисми билан, судланувчи С.Давлатованинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Бирок, дастлабки тергов органи томонидан Ш.Қирғизов ва С.Давлатоваларнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан қуйидаги асосларга кўра, нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарорининг 6-бандида, жиноятнинг такроран содир этилган-этилмаганлиги масаласини ҳал қилишда Жиноят кодексининг 32-моддаси мазмунидан келиб чиқиш лозимлиги; Қарорнинг 8-бандида, агар мансабдор шахс ўзи содир этган талон-торож жиноятини енгиллаштириш ёки яшириш мақсадида расмий хужжатларга била туриб ёлғон маълумотлар ва ёзувлар киритган бўлса, унинг қилмиши ЖК 167 ва 209-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиноғи кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 32-моддасининг 3-қисмига кўра, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Қонун мазмунига кўра, такрорийлик белгиси бўйича мансаб сохтакорлиги ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишни квалификация қилиш мазкур жиноятларни камида икки марта содир этилиши, шахс уларнинг бирортаси учун судланмаганлигини тақозо қилади, мансаб



сохтакорлиги ва растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилишни такрорийлиги белгисини қайд қилиш учун қуйидагилар бўлиши лозим:

-субъектнинг ягоналиги, яъни барча содир этилган жиноятларда ягона субъект бўлиши;

-мансабдор шахс ЖКнинг бир хил моддалари, қисмларида жавобгарлик назарда тутилган камида иккита жиноят содир этган бўлиши;

-ушбу жиноятларнинг ҳар бири жиноий жавобгарликка тортиладиган бўлиши лозимлиги;

-содир этилган жиноятларнинг ҳар бири мустақил таркибли ҳисобланиши лозимлиги;

-ушбу жиноятлар турли вақтда содир этилган бўлиб, айбдорнинг ягона қасди билан қамраб олинмаслиги лозим.

Суд, юқоридаги қонун ва Пленум қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчи Ш.Қирғизов ва С.Давлатоваларнинг содир этган жиноятининг объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хил бўлиб, уларнинг жиноий ҳаракатлари умумий, ягона қасд билан қамраб олинган деб ҳисоблайди ва уларнинг содир этган растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилиш жиноятини давомли характерга эга бўлган жиноят деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, Ш.Қирғизов ва С.Давлатоваларнинг ҳаракатларида ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилиш жиноятини содир этишда такрорий белгисининг аломатлари кўринмайди.

Шунингдек, иш ҳужжатларида Ш.Қирғизов ва С.Давлатовалар мазкур жиноятларни содир этгунига қадар ЖК 167-моддаси билан судланганлигини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд эмас.

Юқоридагиларга асосан суд, судланувчи Ш.Қирғизов ва С.Давлатоваларнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б” бандини чиқаришни лозим топади.

Шунингдек, судланувчи Э.Исмоиловнинг жиноий ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖК 209-моддаси 2-қисмининг “а” бандида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд кўринсада, бироқ суд мажлиси давомида судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортишни сўраб давлат айбловчиси, фуқаровий даъвогар, судланувчилар ва химоячилар томонидан илтимоснома киритилмади.

Суд ўзининг ташаббуси билан шахсга янги айблов эълон қилиш ваколатига эга эмаслиги сабабли, мавжуд айблов билан қарор қабул қилишни лозим топади.

Шунингдек, дастлабки тергов органи томонидан Э.Исмоиловга нисбатан ЖК 167-моддаси бўйича қўйилган айбловдаги 6.05.2022 йилдан 28.02.2023 йилга қадар 4 нафар иш билан банд бўлган фуқароларга 6.765,6 минг сўм, 2 нафар ижтимоий нафақа олувчи фуқароларга 10.960,8 минг сўм ва 2 нафар бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилаётган оналарга нафақа олувчи фуқароларга 2.597,0 минг сўм жами 8 нафар фуқароларга 20.731.500 сўм ишсизлик нафақалари 16.05.2022 йилдан 28.02.2023 йилга қадар 4 нафар иш билан банд бўлган фуқароларга 6.765,6 минг сўм, 2 нафар ижтимоий нафақа олувчи фуқароларга 10.960,8 минг сўм ва 2 нафар бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилаётган оналарга нафақа олувчи фуқароларга 2.597,0 минг сўм



жами 8 нафар фуқароларга 20.731.500 сўм ишсизлик нафақалари Қонун талабларига зид равишда тўлаб юборилиб, бюджет маблағлари растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликдаги эпизоди билан, қуйидаги асосларга кўра, нотўғри айб эълон қилинган.

Судланувчи Э.Исмоилов судда, унга айбловда қўйилган 8 нафар фуқароларга 20.731.500 сўм ишсизлик нафақаларини тайинлаган вақтда ҳақиқатдан ҳам ушбу фуқаролар ҳеч қерда ишламаган бўлганлигини, у мазкур фуқаролар ишга кирадиган бўлса бандлик бўлимига бу ҳақида хабар бериш мажбуриятини олишганлигини, шунингдек фуқаролар ногиронлигини айтишмаганлигини ҳамда ушбу фуқароларни дастурдан ногиронлиги кўринмаганлигини, шунингдек фуқаролар бола пули олаётганлигини айтишмаганлигини ва бу ҳолат ҳам дастурдан кўринмаганлигини, фуқароларга ишсизлик нафақаси тайинлангандан сўнг нафақа олувчиларни ишга жойлашган ёки жойлашмаганлигини назорат қилиш мажбурияти йўқлигини, бу ҳолат бирон бир норматив ҳужжатда ҳам мавжуд эмаслигини баён қилди.

Гувоҳ М.Кўчқоров судда, ишсизлик нафақаси тайинланганидан сўнг, нафақа олувчиларни ишга жойлашган ёки жойлашмаганлигини мониторинг қилиш ёки назорат қилиш мажбурияти бирор бир норматив ҳужжат билан камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимига юклатилмаганлигини, ушбу мажбурият фуқароларга юклатилганлигини баён қилди.

Шунингдек иш ҳужжатларидаги мавжуд Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2024 йил 30 майдаги 81-сон буйруғига 11-иловадаги Балиқчи туман камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғининг намунавий лавозим йўриқномасида бўлим бошлиғига ишсизлик нафақаси олувчиларни ишга жойлашган ёки жойлашмаганлигини назорат қилиш мажбурияти юкланмаган.

Шу сабабли суд, Э.Исмоиловни айбловидан дастлабки тергов органи томонидан унга қўйилган юқоридаги айбловнинг ушбу пул маблағлари бўйича, эълон қилинган қисмини чиқаришни лозим топади.

Бундан ташқари, дастлабки тергов органи томонидан С.Давлатовага нисбатан ЖК 167-моддаси бўйича қўйилган айбловдаги бўлим ходимларига 48.006.200 сўмлик устама пулларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликдаги қисми бўйича, қуйидаги асосларга кўра, нотўғри айб эълон қилинган.

Судланувчи С.Давлатова судда, айбловдаги бўлим ходимларига 48.006.200 сўмлик устама пулларини сметада кўрсатилган суммадан келиб чиқиб тўғри ҳисоб китоб қилганлигини аммо ҳақиқатдан ҳам бўлим бошлиғи ва ўринбосарларига юқори турувчи ташкилот буйруғисиз 2023-2024 йилларда 13.508.800 сўм устама пулларини нотўғри ҳисоблаб юборганлигини баён қилди.

Гувоҳ М.Кўчқоров судда, С.Давлатовага қўйилган 65.186.900 сўмлик айблов бўйича С.Давлатова бўлим ходимларига 48.006.200 сўмлик устама пулларини сметада кўрсатилган суммадан келиб чиқиб тўғри ҳисоб-китоб қилганлигини ва бу ҳолатда С.Давлатовани хатоси мавжуд эмаслигини, бироқ у томонидан бўлим бошлиғи ва ўринбосарларига юқори турувчи ташкилот буйруғисиз 2023-2024 йилларда 13.508.800 сўм устама пуллари нотўғри ҳисобланганлигини ва 3 нафар ходимга 3.671.900 сўм иш ҳақи ортиқча



ҳисобланиб, жами 17.180.700 сўмлик бюджет маблағлари нотўғри тўланганлигини баён қилди.

Шунингдек иш хужжатларидаги мавжуд Давлат молиявий назорати инспекцияси Андижон вилоят бошқармаси бош тафтишчиси М.Кўчқаров томонидан расмийлаштирилган маълумотномада С.Давлатова томонидан 3.671.900 сўмлик иш ҳақлари ортқча тўланганлиги ҳамда бўлим раҳбар ходимларига 13.508.800 сўмлик устама пуллари нотўғри ҳисобланиб тўлаб юборилганлиги кўрсатилган.

Шу сабабли суд, С.Давлатовани айбловидаги етказилган моддий зарардан 48.006.200 сўм қисмини чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги, Қарорнинг 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим”лиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Қонун ва Пленум қарори талабларига риоя қилиб, Э.Исмоиловга нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, етказилган зарар қопланганлигини, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, унга нисбатан 167-моддасининг 2-қисми билан қонун санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни; 209-моддасининг 1-қисми билан қонун санкциясида белгиланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни;

-Ш.Қирғизовга нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, етказилган зарар қопланганлигини, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, унга нисбатан 167-моддасининг 2-қисми билан қонун санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни; 209-моддасининг 1-қисми билан қонун санкциясида белгиланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни;

- С.Давлатовага нисбатан жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий



шароитини, етказилган зарар қопланганлигини, аёллигини инобатга олиш билан бирга, ўзининг ноқонуний ҳаракатларини тўлиқ тушуниб етганлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлиги сабабли, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 167-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жарима жазосини энг кам қисмидан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни,

- судланувчи С.Давлатова мансаби билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлигига эътибор қаратиб, яна шундай жиноятлар такрорланишининг олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасига асосан унга нисбатан асосий жазога қўшимча жазо тариқасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Шу билан бирга суд, моддий зарар масаласини муҳокама қилиб, жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш мақсадида судланувчи Э.Исмонов томонидан тўланиб, Андижон вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 40.584.119 сўм пуллар, судланувчи Ш.Қирғизов томонидан тўланиб, Андижон вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 66.911.000 сўм пулларни ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Балиқчи туман иқтисодиёт ва молия бўлимининг тегишли ҳисоб-рақамига қайтаришни;

-Х.Турсунов томонидан С.Давлатовани моддий зарарини қоплаш учун 12.020.000 сўм пуллар пенсия жамғармасини ҳисоб рақамига тўланганлигини инобатга олишни;

-Б.Акбаров томонидан С.Давлатовани моддий зарарини қоплаш тўланиб, Андижон вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 13.698.000 сўм пуллардан 5.160.700 сўм қисмини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Балиқчи туман иқтисодиёт ва молия бўлимининг тегишли ҳисоб-рақамига, 8.537.300 сўм қисмини Б.Акбаровга қайтаришни;

-судланувчи С.Давлатова томонидан тўланиб, Андижон вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 24.500.000 сўм пулларни ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг С.Давлатовага қайтаришни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича ёзма далил деб топилиб, жиноят ишига қўшилган Андижон вилояти давлат молиявий назорат бошқармасининг 27.09.2024 йилдаги Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш бўлимида ўтказилган ўрганиш далолатномаси ва унга иловалар, Андижон вилояти давлат молиявий назорат бошқармасининг 29.09.2024 йилдаги Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш бўлимида ўтказилган ўрганиш далолатномаси ва унга иловалар, Андижон вилояти камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш бошқармасининг 27.09.2024 йилдаги Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш бўлимида ўтказилган ўрганиш маълумотномаси ва унга иловалар, Камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш вазирлигининг 29.08.2024 йилдаги Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш бўлимида ўтказилган ўрганиш маълумотномаси ва унга иловаларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

1. Исмоилов Элёрбек Зухритдинович (Ismoilov Elyorbek Zuxritdinovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,г” бандлари, 209-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Э.Исмоиловга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,г” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Э.Исмоиловга Ўзбекистон Республикаси ЖК 209-моддасининг 1-қисми билан 1 (бир) йил муддатга давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59,61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни тўла қўшиш йўли орқали узил-кесил 1 (бир) йил муддатга давлат иштирокидаги мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддасига асосан Э.Исмоиловни муқаддам 2025 йил 11 апрелдан 2025 йил 12 апрелга қадар қамоқда сақланган 2 куннинг, ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан 6 кунини ўталган деб ҳисоблаб, чегириб ташлансин ва ўташ учун ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 11 (ўн бир) ой 24 (йигирма тўрт) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган жазолар алоҳида ижро этилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати Э.Исмоилов жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Э.Исмоиловга тайинланган асосий ва қўшимча жазоларни ижросини таъминлаш Балиқчи туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Э.Исмоиловга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилиниб, эҳтиёт чораси тариқасида олиниб, Андижон вилоят прокуратурасининг “Ипотека Банк” Андижон вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига гаров тариқасида топширилган 7.844.000 (етти миллион саккиз юз қирқ тўрт минг) сўм гаров пуллари гаров қўювчи Э.Исмоиловга қайтарилсин.

2. Қирғизов Шокиржон Мўминович (Qirg'izov Shokirjon Mo'minovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “г” банди, 209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.



Ш.Қирғизовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “Г” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ш.Қирғизовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 209-моддасининг 1-қисми билан 1 (бир) йил муддатга давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59,61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни тўла қўшиш йўли орқали узил-кесил 1 (бир) йил муддатга давлат иштирокидаги мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазолар алоҳида ижро этилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати Ш.Қирғизов жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ш.Қирғизовга тайинланган асосий ва қўшимча жазоларни ижросини таъминлаш Балиқчи туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ш.Қирғизовга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилиниб, гаров эҳтиёт чораси тариқасида тақдим қилинган М.Қирғизовга тегишли Нексия-1 русумли 60 N 639 КА давлат рақамли автомашина гаровга қўювчи М.Қирғизовда сақланаётганлиги инобатга олинсин.

3.Давлатова Саидахон Турсунпулатовна (Davlatova Saidaxon Tursunpulatovna) Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “Г” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

С.Давлатовага Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “Г” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил муддатга давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, ЖК 57-моддасини қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 (йигирма) баравари миқдоридан яъни 7.500.000 (етти миллион беш юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима белгиланган тартибда давлат фойдасига ундирилсин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисоблансин ва жазони ижро этиш Андижон вилояти, Балиқчи туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг С.Давлатовага нисбатан қўлланилган муносиб ҳуқуқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплаш мақсадида судланувчи Э.Исмонов томонидан тўланиб, Андижон вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 40.196.000 сўм пуллар, судланувчи Ш.Қирғизов томонидан тўланиб, Андижон вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 66.911.000 сўм пуллар ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Балиқчи туман иқтисодиёт ва молия бўлимининг тегишли ҳисоб-рақамига қайтарилсин.



Б.Акбаров томонидан С.Давлатовани моддий зарарини қоплаш тўланиб, Андижон вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 13.698.000 сўм пуллардан 5.160.700 сўм қисми ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Балиқчи туман иқтисодиёт ва молия бўлимининг тегишли ҳисоб-рақамига, 8.537.300 сўм қисми Б.Акбаровга қайтарилсин.

судланувчи С.Давлатова томонидан тўланиб, Андижон вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 24.500.000 сўм пуллар ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг унинг ўзига қайтарилсин.

Х.Турсунов томонидан С.Давлатовани моддий зарарини қопалаш учун 12.020.000 сўм пуллар пенсия жамғармасини ҳисоб рақамига тўланганлиги инобатга олинсин.

Жиноят иши бўйича ёзма далил деб топилиб, жиноят ишига қўшилган Андижон вилояти давлат молиявий назорат бошқармасининг 27.09.2024 йилдаги Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш бўлимида ўтказилган ўрганиш далолатномаси ва унга иловалар, Андижон вилояти давлат молиявий назорат бошқармасининг 29.09.2024 йилдаги Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш бўлимида ўтказилган ўрганиш далолатномаси ва унга иловалар, Андижон вилояти камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш бошқармасининг 27.09.2024 йилдаги Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш бўлимида ўтказилган ўрганиш маълумотномаси ва унга иловалар, Камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш вазирлигининг 29.08.2024 йилдаги Балиқчи тумани камбағалликни қисқартириш ва банкликка кўмаклашиш бўлимида ўтказилган ўрганиш маълумотномаси ва унга иловаларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилингани кундан бошлаб, судланувчилар ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига шикоят бериш ёки протест билдиришга, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

У.Шералиев

